



O'zbekiston OVOZI

1918-yil
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№31, 2021-yil 18-avgust,
chorshanba (32.673)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi


24 O'ZBEKISTON
OKTABR 2021-YIL SAYLOVI
PREZIDENTI
SAYLOVI



300
МИНГГА ЯҚИН ИМЗО

«САЙЛОВ КОДЕКСИДА
САЙЛОВЧИЛАР
РЎЙХАТИГА
ЎЗГАРТИРИШЛАР
КИРИТИШНИ
ТЎХТАТИШ МУДДАТИ
ЎЗГАРТИРИЛИБ, БУ
САЙЛОВГА БЕШ КУН
ҚОЛГАНДА БЎЛИШИ
БЕЛГИЛАНДИ. ЧЕТ
ДАВЛАТЛАРДА
ТУРГАН ФУҚАРОЛАРГА
САЙЛОВЧИЛАР
РЎЙХАТИДАГИ
ЎЗИГА ТЕГИШЛИ
МАЪЛУМОТЛАР
БИЛАН ТАНИШИШ
ИМКОНИАТИ
ЎЗБЕКISTON
РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКISTON
РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ЧЕТ ДАВЛАТЛАРДАГИ
ДИПЛОМАТИК
ВА БОШҚА
ВАКОЛАТХОНАЛАРИ
РАСМИЙ ВЕБ-
САЙТЛАРИ
ОРҚАЛИ ҲАМ
ТАЪМИНЛАНАДИ».

*Зайниддин Низомходжаев,
Марказий сайлов
комиссияси раиси.*



**1 сентябрдан бошлаб
бюджет ташкилотлари
ходимларининг иш ҳақи,
пенсиялар, стипендиялар
ва нафақалар миқдори 1,1
баробарга оширилди.**

Шунингдек, меҳнатга ҳақ
тўлашининг энг кам миқдори –
ойига 822 000 сўм;
базавий ҳисоблаш миқдори
– ойига 270 000 сўм;
ёшга доир энг кам
пенсиялар – ойига 565 000
сўм;
болалиқдан ногиронлиги
бўлган шахсларга бериладиган
нафақа – ойига 622 000 сўм;
зарур иш стажига эга
бўлмаган кекса ёшдаги
ва меҳнатга лаёқатсиз
фуқароларга бериладиган
нафақа – ойига 440 000 сўм
этиб белгиланди.

**АФҒОНИСТОН:
ЭНДИ НИМА
БЎЛАДИ?..**



**Билим чемпионлари
муносиб тақдирланди**

**Математика, физика, кимё
ва биология фанларидан
ўтказилган халқаро фан
олимпиадалари ғолиблари
ва уларнинг ўқитувчиларини
тақдирлаш маросими бўлиб
ўтди.**

Бундан кейин дунёда тан олинган мате-
матика (IMO), физика (IPhO), кимё (IChO),
биология (IBO), информатика (IOI) фанлари
бўйича халқаро нуфузли фан олимпиадала-
рида ғолибликни қўлга киритган ўқувчилар
ва уларнинг ўқитувчилари бир марталик пул
мукофотлари билан тақдирланади.

1-ўрин (олтин медаль) учун — ўқувчига
базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 барава-

ри, 122 миллион 500 минг сўм, ўқитувчисига
эса 450 баравари 110 миллион 250 минг сўм.
2-ўрин (кумуш медаль) учун — ўқувчига ба-
завий ҳисоблаш миқдорининг 300 баравари,
ўқитувчисига эса 250 баравари. 3-ўрин (брон-
за медаль) учун — ўқувчига базавий ҳисоблаш
миқдорининг 200 баравари, ўқитувчисига эса
150 баравари миқдоридан пул мукофотлари
берилади.

Эслатиб ўтамай, 2021 йилнинг июль-август
ойларида ўтказилган мазкур халқаро фан
олимпиадаларида ўзбекистонлик ўқувчилар
жами 10 та медаль, жумладан, 3 та олтин, 2
та кумуш, 5 та бронза медалларини қўлга ки-
ритган эди.

Ўз мухбиримиз.

Халққа энг яқин партиянинг бўлғуси номзоди учун имзо бердим.

18-avgust, chorshanba, 2021-yil.
№31 (32673)



300 МИНГГА ЯҚИН ИМЗО

Сайлов кампанияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи сайловчиларнинг имзоларини йиғиш муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 августдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига сайловда иштирок этишига расман ижозат берилди. Сайлов кодексига кўра, юртимиздаги умумий сайловчиларнинг бир фоизи сиёсий партия томонидан кўрсатиладиган номзодни сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватлаб, ўз имзоларини қўйиб бериши лозим. Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур жараённи уюшқоқлик билан давом эттирмоқда. Имзолар тўплаш ишларини партиянинг вилоят, туман ва шаҳар кенгаши раҳбар ҳамда масъул ходимлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари, партия фаоллари амалга оширмоқда. Партияга хайрихоҳ ҳамда унинг ғоялари тарафдори бўлган кишилар номзодни қўллаб-қувватлапти.

Махлиё ЭРГАШЕВА,
абитуриент (Жиззах):

— Халқ демократик партиясининг бош ғояси жамиятда тенгликни таъминлашдан иборат. Инсон қайси миллат ёки элат вакили бўлиши, ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, барча учун тенг имкониятлар яратилиши тарафдоридир. Шу сабабли унинг ғояларини ҳаммаша қўллаб-қувватлайман. Ёшларнинг имкониятларини намоён қилиш борасидаги шароитлар ва жамиятда муносиб ўринларини эгаллашларида барча давлат ҳамда нодавлат ташкилотлар қаторида партия ҳам фаол иштирок этади. Партия ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Партиянинг ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд кишилар манфаатларига тааллуқли бўлган қатор ташаббуслари мавжуд. Айниқса, тиббий-ижтимоий хизмат сифатини яхшилаш, биринчи тиббий ёрдамга алоқадор ҳамда қуйи бўғиндаги муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, халққа энг яқин партиянинг бўлғуси номзоди учун имзо бердим.

Марҳабо ҲАСАНОВА,
меҳнат фахрийси (Андижон):

— Ўзбекистон ХДП дастурида ҳаммиша кексаларга эътибор ва ғамхўрлик масалалари устувор йўналишлардан ҳисобланган. Уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга оид ташаббусларидан мамнунман. Уйлайманки, ҳаёт мағзини чаққан, унинг ҳикмати-ни англаган ёши улуг кишилар, кўпни кўрган онахонлар ёшлар тарбиясида алоҳида ўрин тутди. Уларнинг панду насиҳатлари, ўғитлари ўғил-қизларни ватанга садоқат, ҳаётга муҳаббат, адолат тамойиллари асосида камолга етишига ҳисса қўшади. Келгусида ҳам партия ушбу ташаббусларини давом эттиришига ишонаман.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, битта варақага 30 нафаргача сайловчи имзосини тўплаш мумкин. Бунда аҳоли ўз хоҳиш-иродасига кўра, ҳеч қандай босимларсиз шахсий имзосини қўйиши лозим. Олдинлари сайловчи фақат битта номзодни ёқлаб имзо кўяр эди. Бу эса сиёсий партияларга ҳам, сайловчиларга ҳам ноқулайлик туғдирарди. Сайлов кодексига муҳим янгилıklarдан бири шуки, сиёсий партиялар томонидан имзо йиғишда сайловчилар бир қанча партияларни ёқлаб имзо қўйиш ҳуқуқига эга.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

» **БИТТА ВАРАҚАГА 30 НАФАРГАЧА САЙЛОВЧИ ИМЗОСИНИ ТўПЛАШ МУМКИН. БУНДА АҲОЛИ ўЗ ХОҲИШ-ИРОДАСИГА КўРА, ҲЕЧ ҚАНДАЙ БОСИМЛАРСИЗ ШАХСИЙ ИМЗОСИНИ ҚўЙИШИ ЛОЗИМ.**

САЙЛОВ КОДЕКСИДАГИ МУҲИМ ЯНГИЛИКЛАРДАН БИРИ ШУКИ, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН ИМЗО ЙИҒИШДА САЙЛОВЧИЛАР БИР ҚАНЧА ПАРТИЯЛАРНИ ЁҚЛАБ ИМЗО ҚўЙИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА.

ҚАРОР ВА ИЖРО

БОЛАНИНГ ДАРДИ, ОНАНИНГ ИЗТИРОБИ

Бахтни ҳар ким ўзича тушунади, ўзича ҳис қилади, ўзича англайди. Кимдир учун ҳашамдор уй-жой, яна кимдир учун соғлиги яхши бўлишининг ўзи катта бахт. Улар орасида кўришни, эшитишни орзу қилганлари қанча. Юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқли яшashi, таълим олиши, касб-ҳунар ўрганиши учун шароит яратилиши борасида зарур чора-тадбирлар босқичма-босқич олиб бориляпти. "Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғриси"даги Президент қарори ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, болаларни реабилитация қилиш, тўлақонли ҳаёт кечиртишлари кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрниларини топишида муҳим ўрин тутди.

Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Онаизор боласи учун ҳар қандай қийинчиликларга тайёр бўлади, Аллоҳдан унга умр ва соғлиқ сўрайди. 1991 йилда 2 ярим ёшли боласи эшитиши учун ҳамма нарсага тайёр бўлган аёлни билардим. Боланинг қулоғи орқасидаги суяк-кохлеар қисмига игна билан жуда оғриқли дори жўнатишди. Болакай 10 кун давомида шундай муолажа олди. Ҳар куни боласининг қўлидан олиб муолажа хонасига олиб киришганда она ўлиб-тирилди. Лекин фарзанди эшитмади. Москвага телефон қилиб, бирор иложи борми, деб сўралди. Янги методлар энди жорий қилиб бошланмоқда, лекин қафолат йўқ, дейишди. Она ва бола тақдирга тан бериб яшади. Ихтисослашган боғча, мактаб, коллежда ўқиди. Уйланди, фарзандли бўлди. Шукур қилишди, лекин онанинг умри армонда ўтди, қани эди, боласи эшитса.

Бугунги кунда юртимизда қарийб 8 минг нафардан ортик ногиронлиги бўлган шахслар бор. Улар орасида эшитишдан бенасиблари қанча. Бир замонлар бир онага армон бўлган, қани эди шундай бир йўл билан эшитадиган бўлса болам, деган орзулари бошқаларда амалга ошган давр келди. Бугун ногиронлиги бўлган шахслар турмушини яхшилаш учун катта ишлар амалга оширилмоқда. Бунга етарли асослар бор, албатта.

2014 йил республикада 112 нафар болага кохлеар имплантат қўйилган бўлса, 2020 йилда бу амалиёт 320 тага кўпайди. Бугунги кунда эҳтиёж эса 615 тани ташкил этади. 2014 йил Тошкент вилояти Олмалик шаҳридан 1 ёш 8 ойлик қизчада худди шундай жарроҳлик амалиёти амалга оширилган эди, бугун бу қиз бошқа тенгдошлари қатори мактабга борапти. Бу она учун қанчалик бахт.

Яқинда қабул қилинган "Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғриси"даги Президент қарори қанчалаб оилаларга, оналарга ана шундай бахт улашади. Қарорга кўра, режалаштирилган 260 та кохлеар имплантатларга қўшимча равишда 35 та кохлеар имплантат харид қилиниб, уларни 5 ёшгача болаларга жарроҳлик амалиёти орқали ўрнатиш белгиланди. Бу билан шунча болажонга тўлақонли ҳаёт тарзини юритишга, том маънода ҳаётга қайтишига имкон берилди. Мазкур қарор партиянинг сайловолди дастурига бевосита Ҳамоҳанг.

Раъно МИРФАЁЗОВА,
пойтахтимиздаги 102-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернати директори:

— Муассасамизда Тошкент шаҳар ва республикамиз турли вилоятларидан 6 ёшдан 18 ёшгача 220 нафар заиф эшитувчи ўқувчилар таълим-тарбия олади. Мактаб-интернатнинг асосий мақсади эшитишида нуқсонли бўлган болаларга таълим-тарбия бериш, коррекциялаш ва соғломлаштириш, уларни ижтимоий жамиятга мослашувини таъминлаш ва касбга йўналтиришдан иборат.

Бугунги кунда ўқувчиларнинг 40 фоизи замонавий индивидуал эшитиш аппаратлари билан таъминланган. Бу кам, албатта. Қолган 60 фоиз болажонларнинг эшитиш аппаратлари маънан эскирган, таъмирга муҳтож. Рақамли замонавий эшитиш аппаратлари қимматлиги сабабли, ота-оналар уларни олиб беришолмапти. Эшитиш мосламалари эшитишида нуқсонли бўлган болаларга катта имкониятлар беради, аввало бола эшитишга ўрганади, эшитиб сўзларни тўғри талаффуз қилади, нутқи ривожланади. Шу боис бундай аппаратлар жуда зарур. Шунда давлатимиз раҳбари ҳоҳлаётганидек, ҳамма тенг имконият ва шароитлар асосида яшаш, таълим олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Куни кеча қабул қилинган қарор билан ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, болаларни реабилитация қилиш, тўлақонли ҳаёт тарзини юритишига кўмаклашиш ҳамда имкониятларини ошириш учун уларни замонавий протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Эндиликда ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим-тарбия олишига бўлган эътибор тубдан ўзгариб, мактабгача ва ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган эшитиш қобилияти заиф болаларни замонавий эшитиш мосламалари билан таъминлаш орқали мослаштирилган ўқув тизими жорий этилади.

Қарорга кўра, 2021 йил якунига қадар 2 минг дона замонавий эшитиш мосламаларини харид қилиш ва уларни ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган эшитиш қобилияти заиф болаларга етказиш масаласи, айниқса, бизни жуда қувонтирди. Бу тадбирлар болажонлар, ота-оналар ва албатта, бизга чин маънода бахт улашади.

Гулрух ОДАШБОЕВА
тайёрлади.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ: АСОСИЙ ЖИҲАТЛАР

YUKSALISH



Номзод кўрсатиш учун сиёсий партия сайлов кампанияси бошланишидан камидан **4 ой** олдин рўйхатдан ўтган бўлиши лозим



Номзодларни рўйхатга олиш сайловга **35 кун** қолганида тугалланади. Номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кун ичида эълон қилинади ва уларга гувоҳнома берилади



Сайлов кампанияси сайлов кунидан **камидан 4 ой** олдин эълон қилинади



Президентликка номзодлар **фақатгина сиёсий партиялар** томонидан кўрсатилади

ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДЛАР КўРСАТИШ:



сайловга **65 кун** қолганида бошланади ва **45 кун** қолганида тугайди



сиёсий партия фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясиз битта номзод кўрсата олади



тақдим этилган имзо варақаларида жами сайловчилар умумий сонининг камидан **1%** имзоси бўлиши керак



битта маъмурий-худудий тузилмада имзолар умумий сонининг кўпи билан **8%** тўплаши мумкин

ПРЕЗИДЕНТЛИККА КИМ НОМЗОД БўЛА ОЛАДИ?



35 ёшдан кичик бўлмаган



давлат тилини яхши биладиган



сайловгача камидан **10 йил** мамлакатда муким яшаётган Ўзбекистон фуқароси



КИМ САЙЛАШ ҲУҚУҚИГА ЭГА?

Сайлаш ҳуқуқига 18 ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари эга

БИР ФУҚАРО = БИР ОВОЗ

Ишончимиз комил, вазиятнинг бу йўналишда ривожланиши миллий келишувга эришишга олиб келади

АФҒОНИСТОН: ЭНДИ НИМА БЎЛАДИ?..

Ўтган бир ҳафта мобайнида дунё Афғонистон дарди, ҳасрати билан яшади. Йиғилиб қолган ўттиз йиллик зардоб Толибон тимсолида жунбушга келди. Афғонистон ислом амирлиги тўзилди. Хўш, энди нима бўлади? Саволнинг жавоби кенг қамровли ва тизимли ёндашувни талаб қилади ва қуйида айрим жиҳатларга тўхталамиз.



ҲАФТА ДРАМАСИ

Толибоннинг афғон жамияти тепасига келиши – урушнинг тугаши ёки бошланиши эканлиги ҳақида яқдил фикр ҳеч кимда йўқ. Аммо, шуниси аниқки, кўз олдимизда бир давлатчилик тартиби буткул йўқолиб кетди.

Қисқача айтганда, миллий давлатчиликнинг заифлиги, ҳукмрон сиёсий элита ўртасида яқдилликнинг йўқлиги шу оқибатга олиб келди, дейиш мумкин.

Толибоннинг мамлакатни тўла ишғол этиши фонидаги драматик лаҳзалар ҳар бир инсоннинг қалбини ларзага солди. Кобул аэропортидаги ҳодисалар, хусусан, трагга осилиб чиқаётган минглаб одамлар, учоқ қаноти остидagi бўртқ жойга қунушиб ўтириб олган болалар, аёллар...

Улар қайсидир манзилда, самолёт тезлигига дош беролмай ерга қулаши аниқ бўлса ҳам жон-жаҳди билан кетишга отлангани чуқур ўйга толдиради, кишини. Мана шу манзаралар фонида, Толибон раҳбарларининг пойтахтга кириб келиши – Фотиҳнинг Константинополга от ўйнатиб кириб келишидек маҳобатли ва даҳшатли туюлди. Гарчи, ҳаммага авф эълон қилинган бўлса ҳам йиллар давомида Толибонга акс ҳолат ва нафрат билан яшаб келган жамоат учун вазият кўрқинчли эди.

ТОЛИБОН ҲАҚИДА НИМАЛАР МАЪЛУМ?

Бугунги Толибон бунёдкор кучми ёки бузғунчиси, аниқ жавоб бериш мушкул, яқин келажак буни кўрсатади. Чунки, ҳаракат ўтган йиллар давомида ғоявий-мафкуравий жиҳатдан ривожланиб, янгиланиб борди. Ҳар ҳолда, бугунги Толибон – Мулла Умар асос солган кичкинагина жамоат эмас.

“
ЎЗБЕКИСТОН
АФҒОН ЁШЛАРИНИ
СУРХОНДАРЁ ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИДА
БЕПУЛ ЎҚИТИБ, ЎЗ
ВАТАНИГА КЕРАКЛИ
КАДРЛАР СИФАТИДА
ТАЙЁРЛАБ БЕРИШНИ
БУНДАН ТЎРТ
ЙИЛ МУҚАДДАМ
БОШЛАГАНИНИ АЙТИБ
ЎТИШ ЎРИНЛИ.

Улар бошқалар билан қандай гаплашиш бўйича катта тажрибага эга – ўз тарихларида Британия, Покистон, АҚШ сингари катта давлатлар кўллови остида ҳаракат қилишди. Умуман, Толибон дастлаб совет-афғон уруши оқаваларидан ташкил топган ва мазлум халқнинг бир қатор табиий ҳуқуқларини ўзид

муҳассам этган таълимот бўлиб майдонга чиққан.

Аммо, кейинчалик қарашлар ўзгарди, айниқса, 1996-2001 йилларда Афғонистон бошқаруви уларнинг қўлида бўлган пайтларда бу аққол сезилди. Шариат аҳкомларини жамиятга татбиқ этишда кўрсатилган шафқатсизлик, аёллар ҳуқуқларининг чекланиши, маъмурий бошқарувнинг мураккаблиги – Толибоннинг биринчи ҳукмронлик йилларида хос воқелик.

2001 йили АҚШ бостириб кирди ва “Саҳродаги бўрон” операциясини ўтказди. Толибон тоғларга чекинди, куч тўплади, партизанлик урушларини бошлади.

Юртни ташқи кучлар ғорат қилишни бошлаганда оддий афғонлар табиий равишда Толибон ҳаракати сафига қўшила бошладилар. Чунки, террор ва бошқа гаплар билан минг пардозланмасин, амалда уларнинг ватанпарварлик туйғуси топталган, уруш қарийб миллий озодлик ҳаракатига айланиб кетган эди.

Мана шу фактор Толибоннинг мамлакат ичкарисидagi обрўсини ошириб юборди, кудратига кудрат қўшди, қолаверса, оддий мужоҳидларга қахрамонлик кайфиятини бағишлади.

Биз бугун кўраётган Толибон мана шу тариқа вужудга келди.

АФҒОН ҚОЧҚИНЛАРИ ВА СИЁСИЙ ҲАВАС

Афғонистон ва Туркия орасида ястаниб ётган Эрон қочқоқлар учун чегараларини очиб, Туркияга ўтказиб юбораётгани айтилмоқда. Ҳозирнинг ўзида Туркия кўчаларида минглаб афғон қочқоқлари пайдо бўлди. Афғонлар сурияликлар эмас, бу мутлақо бошқача вази-

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятнинг ривожланиши дикқат билан кузатиб бормоқда. Ички афғон кучларининг инклюзив ҳукумат шакллантиришга тайёрлиги ҳақидаги баёнотларини қўллаб-қувватлаймиз.

Доҳадаги афғонлараро музокаралар доирасида кенг кўламли тинчликка эришилишига умид билдираемиз. Умид қиламизки, мамлакатда ҳокимият транзити халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрларини инобатга олган ҳолда умумий консенсус асосида тинч йўл билан амалга оширилади.

Ишончимиз комил, вазиятнинг бу йўналишда ривожланиши миллий келишувга эришишга олиб келади ҳамда бу ҳақидаги давлатни шакллантириш учун шароит яратилади. Ўзбекистон томони Афғонистон билан анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлашга ва қўшни давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилларига содиқлигини қатъий билдиради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг Кобул ва Мозори Шарифдаги дипломатик ваколатхоналари одатдаги тартибда ишламоқда. Ўзбекистон томони чегара химоясини таъминлаш ва чегара ҳудудида тинчликни сақлаш масалалари бўйича Толибон ҳаракати вакиллари билан яқин алоқада бўлиб турибди.

Шуни қатъий маълум қиламизки, Ўзбекистон давлат чегарасини бузишга бўлган ҳар қандай уришишлар миллий қонунчиликка мувофиқ кескин равишда бартараф этилади.

Бу қочқоқларга мақом бериш, таъминот ва ҳақоза масалалар ҳали муҳокама марказида. Энг асосийси, улар ватанига қайтадими, шундай истак, муҳит борми, деган оғриқли масала ҳам бор.

Музокаралар, мулоқотлар вектори эндиликда Нью-Йоркдан Москвага кўчди, томонларни учраштирган, гаплаштирган, музокара столига таклиф этаётган асосий куч ҳозирги кунда – Кремль. Россия шу орқали Марказий Осиё давлатларига нисбатан юмшоқ босимни сақлаб қолишга эришмоқчи, деган қарашлар ҳам йўқ эмас.

Биз беҳаловат турмуш, истиқболли муҳаммид кўчаларда сарсон бўлаётган қўшниларимизни, уларнинг ёшларини ўйлаймиз. Афсуски, на Туркия ва на Эрон афғон ёшлари учун шароит яратиб бериш, уларга илм, билим бериш ҳақида ўйлаб кўрмапти. Урушлар, ғавғолар орасида катта бўлган болалар, минг афсуски, замонавий таълим билан эмас, жаҳолат билан қуролланапти.

Шу ўринда Ўзбекистон афғон ёшларини Сурхондарё давлат университетига бепул ўқитиб, ўз ватанига керакли кадрлар сифатида тайёрлаб беришни бундан тўрт йил муқаддам бошлаганини айтиб ўтиш ўринли. Дўст бўлиб давраларда томоқ йиртгандан кўра, дўстона амалий ишларни кўпроқ қилиш керак, бизнингча. Бундай воқеалар, қиёслашлар асносида ўз давлатимиздан ғурурланиш ҳисси янаям кучаяди, қўшниларга нисбатан энг тўғри ва одилона сиёсат олиб борилаётгани аниқлашади.

Саид БОБОЕВ,
сиёсий шарҳловчи.

МУНОСАБАТ



Максуда ВОРИСОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзЖДП фракцияси
аъзоси:

МУНОСАБАТ

— Барчамиз гувоҳ бўлиб, хавотир билан кузатаётганимиз Афғонистон воқеалари, албатта, бутун халқимизни ташвишга солмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати Афғонистондаги вазият бўйича амалга ошираётган фаол сиёсий ва дипломатик саъй-ҳаракатлар халқимизнинг хоҳиш-истагига ҳам мос бўлиб, халқимиз хавфсизлигини таъминлашга қаратилган, деб ўйлайман.

Қўшни мамлакатдаги ҳолат Халқ демократик партияси фаолларида ҳам чуқур хавотир уйғотмоқда. Коронавирус пандемиясининг янги тўлқини шароитида кескинликнинг кучайиши афғон халқи ҳаётини янада мураккаблаштирмоқда. Ихтилофга алоқадор барча томонларни куч ишлатишдан тийилишга ҳамда тинч аҳоли орасида қурбонлар бўлишига йўл қўймайликка чақирамиз.

Уруш афғон халқининг танлови эмас. Кескин низоли вазият оқибатида минглаб афғонистонликлар қочоққа айланди, бегуноҳ инсонлар, болалар, аёллар, қариялар кўчада қолди. Бу ҳолат давом этмаслиги учун барча имкониятларни ишга солиш зарур.

2020 йилнинг сентябрь ойида бошланган бево-сита тинчлик жараёни, афғонлараро тўғридан-тўғри

МУНОСАБАТ

мулоқотни давом эттириш муҳим, деб ҳисоблаймиз. Эндиликда кўп нарса Афғонистон халқининг мустақам иродаси, бирлиги ва қатъиятига боғлиқ.

Бу мамлакатда тинчликни таъминлаш фақатгина хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишдангина иборат эмас. Иқтисодийни тиклашдан, аҳолининг мураккаб ижтимоий муаммоларини ҳал қилмай туриб, бу мамлакатда тинчликка эришиб бўлмайди. Бунинг учун, албатта, халқро ташкилотлар, инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатувчи уюшмалар фаол позицияда бўлишлари талаб қилинади.

Афғонистонда тинчлик ҳақидаги келишувларнинг барқарорлиги, аввало, мамлакатдаги барча сиёсий кучлар – сиёсий партиялар, ҳаракатлар ва этник гуруҳларнинг ушбу жараёнга жалб қилинишига боғлиқ бўлади. Давлат тизимидаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, тиббий ёрдам кўрсатиш, энг зарур озиқ-овқатлар билан таъминлаш тизимини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, фуқаролик жамияти тузилмасининг тўлиқ ишлаши, аҳоли, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг хавфсизлигини кафолатлаш долзарб масалалардан бўлиб турибди.

Доимо барқарор тинчликни ўрнатиш бўйича сиёсий жараёнлар Афғонистон халқи манфаатини кўзлаган ҳолда олиб борилиши лозим.

МУНОСАБАТ

МУНОСАБАТ

МУНОСАБАТ



Абдували
СОЙИБНАЗАРОВ,
Ўзбекистон ЖДП
Ахборот хизмати
раҳбари, журналист:

— Афғонистон масаласида ҳамма нарса аён бўлди. Ҳукумат коррупция ботқоғига ботган. АҚШ ҳада қилган миллионлаб долларни Ашраф Ғани ўзи билан олиб кетди. Мана нима учун оддий халқ ҳукуматни химоя қилиб чиқмади. Битта инсон кўксини қалқон қилмади. Оддий халқнинг аянчли ахволини кўриб-билиб турибмиз. Қашшоқ. Абгор. Ашраф Ғани мамлакатдан қочиб кетди. Шонли Толибон жангчилари мамлакатни шараф билан оккупантлардан озод қилди. Мамлакатни озод қилган ташкилотни қандай қилиб жангари ёки террорист, дейсиз. Террорчи Толибон эмас, Ғарб коалицияси экани бутун дунёга ошкор бўлди. Мана энди тинчлик қарор топса, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёни Жанубий Осиё ёки буларга, Ҳинд океанига яқин йўллар билан чиқиш орзуси амалга ошади.

Кўзни каттароқ очсак, АҚШ бошчилигида афғон ҳукумати минглаб бегуноҳ инсонларни ҳаводан ўққа тутиб, қонини тўқди. Бу Толибонга ағдарилди. Мана, мисол. Афғонистон шарқидаги Хост вилоятининг махсус кўриқлаш бўлинимаси (Khost Protection Force - KPF) Толибон жангариларига таслим бўлди. KPF АҚШ томонидан ташкил этилган бўлиб, афғон ҳукумати уни назорат қилмаган. Бўлинима Хост, Пактия ва Пактика вилоятларида жойлашган бўлиб, минглаб одамларни судсиз қатл этиши билан маълум бўлган. Ўтмишдаги хатосини тан олди. Аёлларни ўқиб ва ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этгани нотўғри бўлганини эътироф этди. Аёлларга барча ҳуқуқлари тикланишини эълон қилди.

Қочоқлар масаласига келсак, аэропортлардагилар халқига хоинлик қилган тўдалар. Толибон уларни ҳам авф этмоқчи. Аммо улар тўқини ҳаётга кўникиб қолганлар. Ҳаёти хавф остидалигини баҳона қилиб, АҚШга кетишмоқчи. Ваҳимага асос йўқ. Толибон мамлакатда тартиб ўрнатмоқчи. Қўшниларига ҳужум қилмоқчи эмас.



Алишер
САЪДУЛЛАЕВ,
Ёшлар
агентлиги
директори:

— Афғон ҳукумати ва Толибонлар ўртасидаги муносабатнинг кескинлашуви бежизга Президентимизни хавотирга солмаганлиги янада ойдинлашмоқда. Узокни ўйлаб бир неча бор икки тараф билан ҳам музокаралар олиб борилди. Тошкентда ҳам бу мавзу юқори минбарларда бежизга муҳокама қилинмади. Вазият юмшаб, Ўзбекистон манфаатлари ва тинчлиги йўлида ҳал бўлишидан умидворимиз. Тинчлик бўлсин.



Мубашшир
АХМАД,
"Azon.uz"
сайти
раҳбари:

— Назаримда, Ғарб коалицияси ва эҳтимол Россия ҳам Шарқий Туркистонда "оловли нукта" пайдо қилиб, Хитой иқтисодини чарчатишмоқчи. Уйининг барча томонларидан нафратланган

ҳолда айтаманки, бу ўйинларнинг қурбони яна мусулмонлар бўлиши мумкин.

Уша "оловли нукта"га минтақамиз мусулмонларини тортишлари ҳам катта эҳтимол. Бунда Толибон катта роль ўйнаши керак бўлади. Сурияда бўлган фожеалардан сабоқ чиқаришимиз керак. Ҳар бир ҳодисага масъулият билан ёндашган ҳолда муносабатда бўлишимиз лозим. "Кофирларга қарши ғазот", "биродарларимизга ёрдам" ва "жиҳод" чақириқларига ўта ҳушёр қарашимиз керак. Ночор ва диний билими йўқ кишилар бундай тузоқларга осон илинишади. Шунинг учун уламолар атрофида бирлашиш, соф исломимизни яхшилаб ўрганиш ва савияда бошқаларга эргашувчи эмас, эргаштирувчи даражага чиқишимиз даркор.

18-avgust, chorshanba, 2021-yil.
№31 (32673)

Тотализатор — бугун ушбу сўзни эшитмаган, билмаган киши топилмаса керак. Зеро, бир неча йил олдин юртимизга кириб келган интернет ўйини бугун кўпчиликнинг бошига қулфатлар ёғдирмоқда. Айниқса, сўнгги вақтларда "фалончи тотализаторда бунча пул ютқазибди", "фалончи интернетда каттага тушибди" ёки "букмейкерда бой берган экан, жонига қасд қилибди" каби гап-сўзлардан унинг қанчалар хатарли экани кўпчиликка сир бўлмай қолди.

ЎЙИН МОҲИЯТИ

Тотализатор — бу гаров турларидан бири бўлиб, француз тилида ҳисоблаш, яқунлаш, деган маъноларни англатади. Масалан, отчопардаги пойга ва баҳсларда бу маълум бир отга тикилган пул ҳамда гаровларнинг умумий миқдорини кўрсатувчи ҳисоблагичдир. Тотализаторни, шунингдек, отларга гаровларни қабул қиладиган ва ютуқларни тўлайдиган бюро, тотализатордаги ўйиннинг ўзини эса отларга гаровлар қабул қилувчи ҳамда ютуқларни тўлайдиган ташкилот, деб ҳам аталади.

Тотализатор ташкилотчилари хавфли қимор ўйинларига қўшилмайди, бироқ ҳар бир тикилган пулдан фоиз олади ва харажатларни оқлаш учун фақат одатдаги бизнес таваккалчилик юкни кўтаради, холос. Шу сабабли улар ҳеч қачон ютқазмайдилар. Лекин, афсус, онлайн қимор тўрига тушиб қолганларнинг ҳаммаси ҳақида ҳам ушбу фикрларни айта олмаيمиз.

Чунки осон йўл билан бойлик орттиришга уринганларнинг яқини кўп ҳоллар аянчли тугайди. Бироқ одамлар кўра била туриб, ўзини ўтга ташламоқда. Яъни, букмейкерлик компаниясидан рўйхатдан ўтиб, ўйин ставкалари платформасининг ҳисоб рақамига пул ташлаш орқали ўз тақдирини белгилайди. Таваккалчиликка асосланган бу ҳаракат тахмин ва натижанинг бир-бирига қанчалик мос келишига боғлиқдир. Худди қимор ўйинида бўлгани каби тахмини тўғри чиққан шахс ютади, акси бўлса, пулидан ажралади. Баъзан, ҳатто жонидан ҳам...

ПУШАЙМОНЛИК МОҲИЯТИ

— Оти ўчсин, шу ўйиннинг. Номини ҳам тилга олишни истамайман. Сабаби, унинг тўрига тушиб, бор будумдан ажраб қолдим. 22 ёшимда Россияга ишлаш учун кетдим. У ерда тез орада ҳаммаси изига тушиб кетарвермади. Шунда бир тожик танишим

Қиморхона ташкил қилиш. — Навоий вилояти ИИБ

16 мар. 2018 г. - Қиморхона ташкил қилиш. 2018 йилнинг 24 февраль кунини соат 14:00 ларда, шаҳар...

Хатирчилик қиморбозлар. Ехуд қиморхона ташкил қилиш. — Навоий вилояти ИИБ

Қиморхона ташкил қилиш. — Навоий вилояти ИИБ

16 мар. 2018 г. - Қиморхона ташкил қилиш. 2018 йилнинг 24 февраль кунини соат 14:00 ларда, шаҳар...

Хатирчилик қиморбозлар. Ехуд қиморхона ташкил қилиш. — Навоий вилояти ИИБ



ТОТАЛИЗАТОР — БАХТ КУШАНДАСИ

Мардон мени бир ўйинга таклиф қилди. Озгина пул тикиб, ўйнадик ва ютдик. Пул топишнинг осон йўли бор экан-ку, деб хурсанд бўлдим...

Уша кун ҳаётимдаги энг катта хатони қилганимни тушуниб етдим. Бироқ буни идрок этиб, тан олишим учун 10 йил умр сарфланди. Ўзим асли устаман. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланаман. Ҳаётимда ҳеч таваккал қилмасдим. Бирор янги иш таклиф қилинса, олдин яхшилаб ўйлаб, хаёл тарозусида ўлчаб, кейин жавоб қайтарардим. Билмадим, ёшлик қилибми ёки уйимда бўлмаган эркинлик сабабми тотализатор балосига тез орада боғланиб қолдим.

Аввалига кичик бир ўйингоҳдаги автоматда бошланган пул тикишлар секин-аста казино рулеткаларга кўчди. Пулга келсак бир сафар ютсам, кетма-кет бир неча бор ютқазганимга тўғри келарди. Бу тавофурлардан янада ўйинларга чуқурроқ кириб борардим. Ёз ойларида устачилик қилиб топанг пулимни "ставка"ларга бой берардим. Қишда эса тентираб, қорин тўйдиришга қийналардим. Ана шундай пайтларда қарз олишимга тўғри келарди. Хуллас, йиллар кетидан йиллар ўтиб, 32 ёшга кирдим. Бу орада икки қизли ҳам бўлдим. Уларнинг онаси топанг пулни ҳам ўйинга ютқазса бошладим. Лекин қайтмадим, воз кеча олмадим.

Ўйин ҳақида тўхталсам. У жуда ҳам мураккаб ва усталик билан тузилган. Кам пул ютганимизда ҳеч ҳам қотиб қолмайди, кейинроқ давом эттириш таклиф қилинмайди. Каттароқ сумма ютаётсангиз ўчиб қолади

» ОСОН ЙЎЛ БИЛАН БОЙЛИК ОРТТИРИШГА УРИНГАНЛАРНИНГ ЯКУНИ КЎП ҲОЛЛАР АЯНЧЛИ ТУГАЙДИ. БИРОҚ ОДАМЛАР КЎРА БИЛА ТУРИБ, ЎЗИНИ ЎТГА ТАШЛАМОҚДА.

ёки фирибгарлик сифатида баҳоланиб четлатиласиз. Энг қизиги, нега блокланганимиз ҳақида аниқ бир гап айтилмайди. Шубҳали, деб топилиб аккаунтингизга чек қўйилади.

Хуллас, бир марта ютқазсам келаси сафар икки марта ютишимга ишонардим. Афсуски, бу ўйинни ўйнашнинг ўзи энг катта йўқотиш экан. Унинг ичига кирган одамнинг асло бири икки бўлмайди. Бошқаларда бўлганидек ҳаётимда ягона фикр, бой берганларимни қайтариб олсам, ўйинни ташлайман, дердим.

Чунки орада 10 минг доллар ютиб олдим. Ушанда қарзларимни бериш қаёқда, дейсиз онамга, оиламдагиларга ўзимни кўрсатиб қўйишга уриндим. Ҳатто қишлоққа пул юбориб, уйимизни буздирдим. Қайта тиклайман, деган ниятим бор эди. Афсуски, бу "азарт"им сароб бўлиб

чиқди. Девори кўтарилган уйнинг томини ёпиш учун сотиб олинган шиферларни ҳам соттириб, пулни қайтариб ўзимга юборишларига тўғри келди. Чунки мен катта қарзни бўйнимга илиб, панжара ортига равона бўлган эдим...

Турмуш ўртоғим қизларимни олиб, Қирғизистонга, ота-онасининг ёнига кетиб қолди. Синглим бор қиммат-баҳо тақинчоқларини сотса ҳам менин қарзларим қопланмади. Шунда уйимизнинг ярмини ҳамда отамдан қолган терақзорни сотишга тўғри келди. Акс холда, совуқ ўлканинг заҳ босган қамоқхоналарида қолиб кетар эдим.

Ютқазган пулларим ҳам майли, оилам пароканда бўлди, яқинларимнинг менга ишончи қолмади. Қишлоқда бош кўтариб юролмадим. На бир дўстим ва на бир дардқашим бор. Мен тенгқур йигитлар аллақачон уй солган, машина сотиб олган, ўғилларига тўй қилганди. Аёлим қайтмади. Икки марта уйландим, бўлмади. Ажрашдим.

ХУЛОСА

Ҳа, бундай ўйинларга мубтало юртдошларимиз сафи кенгайиб боряпти. Тотализаторга тақиқ қўйган билан, интернет ҳаммада ишлайди ва бу тотализатор ўйнашга монелик қилолмайди. Осон пул топишга ўч кишиларнинг аччиқ қисмати эса тез-тез жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлмоқда. Зеро, айёронга тузилган бу ўйин сабаб бор-будингиздан осонгина айрилиб қолишингиз турган гап.

Унинг орқасида турган манфаатдорларни эса сизнинг ҳолатингиз асло қизиқтирмайди. Икки-уч марта сизга ютук чиқарганлар кетидан бир неча юз баробар кўпроқ қилиб уларни қайтариб олади. Натижада молидан айрилган одамнинг кўзига ҳеч нима кўринмай қолади ва бу ҳақиқий фожеадир...

ОИЛА МОҲИЯТИ

— 1987 йилда туғилганман. Самарқанддаги шифохоналардан бирида ишлардим. Шифокор бўлиб эмас, албатта. Лекин касбимни ва исмиمنى айтишни истамайман...

1ХВЕТ — бу ном ҳаётимдаги энг қийин кунларимга сабабчи бўлди. Авваллари ютубдан видео кўрмоқчи бўлсам, доим шу ном билан реклама чиқарди. Тўп тепган эркаларни кўриб, футболга алоқадор ёки эркаларнинг соқол олиши билан боғлиқ маҳсулот рекламаси, деб хаёл қилардим. Бир кун ҳамма жойга реклама тиқиштиришлари одамларнинг жонига теккани ҳақида гап чиқиб кетди. Шунда мен ҳам айниқса, 1ХВЕТ, деган маҳсулотдан зерикканимни гапирдим. Ҳамма устимдан қулди. "Ахир бу лотореяга ўхшаган ўйин-ку", дейишди. Ораларида кимдир ҳатто ютганини ҳам айтиб қолди. Хом сут эмган одам боласимиз-да, уйга келиб ўйнаб кўрмоқчи бўлдим ва бу ҳаётимдаги энг нотўғри қарор эди...

Аввалига ўйнашни билмадим. Ўрганиб олишим учун вақт керак бўлди. Ярим йилча танишларим ёрдамида ўйнаб юрдим. Бир-икки марта ютук ҳам чиқди. Йўқ жойдан 400-500 минглик бўлиб қолдим. Ана шунда қизиқишим ортиб, астойдил ўйинга киришдим. Бир марта ютсам, 2-3 кун ютқазардим.

Уша пайтларда тотализатор ҳақиқий ўргамчак тўри эканини тушунмаган эдим.

Бир йилдан охиқ давом этган ушбу ҳолат кўрқинчли тушга ўхшар эди. Шу вақт ичидан тақинчоқларимни ҳам, уйдаги мебелларни ҳам янги-сига алмаштириш баҳонаси билан сотиб юбордим. Рухиятимга ўрнашиб олган зарар чиқиб кетиши учун ҳамма ютқазганларимни қайтариб олишим керакдек туюлар, бироқ кун сайин баттарроқ ботиб борардим. Ютқазган пулларим миқдори 60 миллионга ақинлашиб қолди.

Билдимки, бу ўйин инсоннинг имони ва иродасини йўқ қилади. Унинг хаёлига ютиш ва фақат ютишим керак, деган саробни жойлаштиради. Натижада ҳақиқий қиморбозга айланасиз. Аввал, бошидан тотализатор қимор эканини билганимда эди...

АДОЛАТ МОҲИЯТИ

Минг афсуски, бу ўйинлар шариатимизда ҳам, қонунларимизда ҳам тақиқланади. Таваккалчиликка асосланган ҳар қандай ўйинни ўйнаш, ташкил қилиш аслида жавобгарликка муносиб.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳамда амалдаги қонунимизга мувофиқ, мамлакатимизда бундай ўйинларни ўйнаш тақиқланган.

Динимизда эса қиморнинг ҳар қандай кўриниши катта гуноҳлиги, бундай йўл билан топилган пул ҳаромлиги таъкидланади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



"ЎЗСУВТАЪМИНОТ" ҚЎЛ ҚОВУШТИРИБ ТУРГАНИ ЙЎҚ

"Ўзсувтаъминот" АЖ масъуллари томонидан соҳада амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, бугунги кундаги муаммо ва уларнинг ечимига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда республикамиз бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, жами 34 миллион 211,3 минг аҳолининг 22 миллион 255,5 минг ёки 65,1 фоизи марказлашган ичимлик сув билан таъминланганлиги, 2 миллион 992,9 минг ёки 8,7 фоиз аҳолига ичимлик сув махсус транспорт воситалари орқали етказиб берилганлиги ва 8 миллион 962 минг ёки 26,2 фоиз аҳоли муқобил манбалар (булок, қудуқ, сой ва бошқалар)дан фойдаланиб келаётганлиги таъкидланди.

— Республикадаги мавжуд 10 минг 275 та ичимлик сув иншоотларининг лойиҳавий қуввати 13 миллион 115 минг метр куб/сутка бўлиб, амалда 8 миллион 171 минг метр куб/сутка билан ишлаб келмоқда, — дейди "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқарув раиси биринчи ўринбосари Тоҳир Ҳайдаров. — Ушбу иншоотлардан 2 568 таси таъмирталаб ҳолатга келиб қолган. Мавжуд 72 минг км ичимлик сув тармоқларидан 27,3 минг км (37,9 фоизи) таъмирталаб ҳолатда. Бундан ташқари, республикамизда жами 58 та оқова сув тозалаш иншооти мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қуввати 3 миллион 821 минг метр куб/суткани ташкил этади. Жами 8 621 км оқова сув қувурлари мавжуд бўлиб, 1 919 км таъмирталаб ҳолатда. Республикада оқова сув хизматлари билан таъминланганлик даражаси эса 17 фоизни ташкил этади.

Жорий йилда барча дастурлар ҳисобидан жами 710 та объектда қурилиш-монтаж ишлари учун 2,3 триллион сўм маблағ ажратилди. Режадаги 6200 кмдан 3959,9 км, яъни 67 фоиз ичимлик ва 136,3 км оқова сув тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада 873 минг аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланди.

— Худудларда ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимини яхшилаш юзасидан халқаро молия институтлари иштирокида умумий қиймати 2 миллиард 350 миллион АҚШ долларга тенг бўлган 22 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда, — дейди "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқарув раиси ўринбосари Рустам Мамаджанов. — Жумладан, айни пайтда Осиё

тараққиёт банки ва Жаҳон банки билан 5 тадан, Европа тараққиёт ва тикланиш банки билан 6 та, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа инвестиция банки, Ислон тараққиёт банки билан 1 тадан, Саудия тараққиёт ва ОПЕК жамғармалари билан 3 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Шунингдек, жорий йил бошидан бугунги кунга қадар 1 та сув тозалаш иншооти, 8 та сув тақсимлаш иншооти, 6 та сув қудуғи, 1 та сув минораси, 1 та канализация тозалаш иншооти, 1 та канализация насос станцияси қурилди ва реконструкция қилинди.

Бундан ташқари, марказлардан олиш ва ичимлик сув манбаи бўлмаган худудларда яшовчи аҳолига ичимлик суви ташиб беришни ташкил қилиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан бюджет маблағлари ҳисобидан 100 та махсус техника харид қилиниб, худудларга етказилди ва 227 та қишлоқ аҳолисига маҳаллий ҳокимликлар томонидан тасдиқланган тарифларга кўра, ичимлик суви етказиб берилмоқда. Айниқса, бу борада республиканиннг чегарадош қишлоқ худудларига алоҳида эътибор қаратилди. Мисол учун Фарғона вилоятининг Сўх туманидаги "Малбут" ва "Демир шоҳ" қишлоқлари аҳолисига ўзлуксиз равишда ичимлик сувини ташиб бериш йўлга қўйилди.

Шунингдек, ичимлик сув таъминоти ва оқова сув тизимларидаги мавжуд камчиликлар ва уларнинг келгусидаги ечими хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

Тоштемир МУРОД.

Банк кредитлари эвазига Тошкент вилоятида
47 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

«ХАЛҚ БАНКИ» НИНГ КРЕДИТЛАРИ иш ўринлари учун хизмат қилмоқда

Республика «Халқ банки» томонидан журналистлар учун
пресс-тур ташкил этилаётгани ҳақида хабардор қилиниб,
таклиф этилдим. «Одатдагидек пресс-тур бўлса керак-да», деб
ўйладим ва унда иштирок этиш учун йўл олдим.

Қизиқ лойиҳанинг устидан чиқдик. Бошқа вилоятлардан келиб, кунлик ишларда ишлаётган фуқаролар учун Зангиота туманида арзон ва қулай меҳмонхона қуриш мақсадида «Халқ банки»дан 3.5 миллиард сўм кредит ажратилган бўлди. Зангиота туман ҳокими ташаббускорлардан бўлибди. Бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтаман.

Республика «Халқ банки»нинг кредит маблағлари эвазига фаолиятини йўлга қўйиб, янада ривожланаётган Зангиота ва Янгийўл туманларидаги тадбиркорлик субъектларига пресс-тур ташкил этилди.

Банк масъул ходимларининг маълумотига кўра, бугунги кунда Тошкент вилоятида ишлаб чиқариш тармоқлари фаолияти ривожланиши, қулай ишбилармонлик муҳити яратилиши натижасида 80 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Қолаверса, «Халқ банки»нинг Тошкент вилоятидаги филиаллари томонидан жорий йилнинг ўтган даврида жами 12,5 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларнинг 509,7 миллиард сўмлик лойиҳалари молиялаштирилган. Бу эса 86 минг нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имконини берган. Этиборли жиҳати, бу кўрсаткичлар 2020 йил билан қиёслаганда, сезиларли даражада юқори. Хусусан, ўтган йилнинг шу даврига қадар 7,6 минг миқдорнинг 382,1 миллиард сўмлик лойиҳалари молиялаштирилган.

Пресс-турнинг дастлабки манзили Зангиота туманида турли ёшдаги болалар учун кийим-кечаклар тайёрлашга ихтисослашган «Такро Осие» корхонаси бўлди. 10 йилдан буён миқдорлар ишончини қозониб келаётган мазкур йирик ишлаб чиқариш фабрикаси шу пайтгача ижара асосида ишни ташкил қилиб келаётган эди. Янада очиқроқ айтадиган бўлсак, ижара асосида ишлаётганлиги

RAQAM

382,1

миллиард сўмлик

лойиҳалар

молиялаштирилган

боис, фабрикада ўша пайтларда 150 нафар ишчи-ходим ишлаган. «Халқ банки»дан корхона 4 миллиард сўм кредит олганидан сўнг худуддан ер олиниб, махсус бинолар қурилди. Ҳозирда фабрикада 250 нафар ишчи доимий иш ўрнига эгадир.

– Ҳар ойда икки марта Қозоғистон, Қирғизистон ва Россия давлатларига маҳсулот экспорт қиляпмиз, – дейди корхона директори Султон Абдуллаев. — Жумладан, Россия Федерациясидаги савдо уйимиз орқали миқдорлар талаби бўйича иш олиб борапмиз. Масалан, битта экспортни амалга оширсак, 40 турдаги маҳсулот тайёрланади. 2020 йил 10 миллиард сўм маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, шундан 1 миллиард сўмлик

болалар кийимлари ички бозорга етказилган. Бу йил шу натижани 10 миллиард 300 миллион сўмгача оширишни режалаштирғанмиз.

Пресс-турнинг иккинчи манзили «Nazarbek Sohil Marvaridi» МЧЖнинг «Safar ota» меҳмонхонаси фаолияти билан танишиш бўлди. Бу меҳмонхона Зангиота туман ҳокимининг ташаббуси билан бошқа вилоятлардан келиб, кунлик ишларда ишлаётган фуқаролар учун бунёд этилибди. Ушбу меҳмонхона қурилишига «Халқ банки»дан 3.5 миллиард сўмлик кредит олинган. Меҳмонхона билан яқиндан танишар эканмиз, бу ерда яшовчилар учун қулай шароит яратилган бўлиб, хизматлар ҳам аъло даражада эканига гувоҳ бўлдик. Бундан ташқари, мазкур меҳмонхонанинг бир кеча-кундузда кўрсатадиган хизмат ҳақи 8 минг сўм экан. Ишонши қийин.

– Билишимча, бошқа худудларда бу каби арзон нархларда миқдорларга хизмат кўрсатилмайди, – дейди «Nazarbek Sohil Marvaridi» МЧЖ директори Мухаббат Пардаева. — «Халқ банки»нинг туман филиалидан керакли маблағни олганимиздан сўнг ишни тезда бошладик. Хизмат кўрсатиш арзонлигининг сабаби шундаки, вилоятлардан келиб, кунлик ишларда ишлаётган ишчилар доим ҳам кўп пул тополмаслигини ҳисобга олган ҳолда шундай нарх белгилаганмиз. Яна бир ҳақиқат шуки, улар ҳар куни ҳам иш топа олишмайди. Тўғри, бир иш бўлиб қолганда яхши пул топиши аниқ. Аммо, ҳар куни ҳам иш ҳақ тўланадиган иш чиқавермайди-да. Бундай пайтларда бизнинг меҳмонхона улар учун анча қулайдир. Бундан ташқари, улар меҳмонхонанинг ўзида овқатланишлари учун ҳам шароитлар яратилган. Бундай дейишимнинг боиси, ҳозирда, яъни кўчадаги бирон ошхонада тушлик ёки кечки овқат тановул қилса ўртача ҳисобда бир киши 25-30 минг сўм сарфлайди. Биз шуни ҳам ҳисобга олиб, бир кишига тушлик ёки кечки овқатини 12 минг сўм қилиб белгилаганмиз. Қолаверса, бугунги кунда меҳмонхона бир кунда 500

нафар меҳмонга хизмат кўрсатиш имконига эга бўлиб, 15 иш ўрни яратилган.

Шундан сўнг Янгийўл туманидаги «Xorazm biznes gold» чорвачилик фермасида амалга оширилаётган ишлар билан танишидик. 2020 йилда «Халқ банки» туман филиалидан 2 миллиард 100 миллион сўм маблағ эвазига Германия ва Чехия давлатларидан 200 бош зотдор, насли қорамол олиб келинган. Улардан кунига 2,5 минг литргача сут соғиб олиниб, қайта ишловчи корхоналарга етказиб берилмоқда. Ушбу ферманинг иш бошқарувчисининг сўзларига кўра, хўжалиқда қорамолларнинг озқаси масаласида бироз муаммо бор. Муаммони бартараф этиш учун туман ҳокимлигига қўшимча ер ажратиб бўйича мурожаат қилган. Агар бу масала ҳам ҳал бўладиган бўлса, қўшимча равишда яна 200 бош қорамол хориждан олиб келиниши режалаштирилган.

«Халқ банки» зиммасига хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорлик фаолиятига қўмаклашиш бўйича бир қатор вазифалар юклатилган. Шу мақсадда аёлларни тадбиркорликка ўқитиш, бизнесга оид намунавий режаларини ишлаб чиқиш ва кредит олишда уларга амалий ёрдам кўрсатишнинг янги тизими амалиётга татбиқ этилди. Мазкур жараёнда, биринчи навбатда, эҳтиёжманд, муқим иш жойи ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган аёлларни тадбиркорликка жалб этишга эътибор қаратилди. Бунинг натижасида вилоятда 2 минг 846 нафар хотин-қизнинг турмуш тарзи ижобий томонга ўзгаришига эришилди. Шунингдек, 2 минг 302 нафар аёлга 49 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

«Халқ банки» кредитлари эвазига Тошкент вилоятида 47 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар ишга тушса вилоятда яна 1 минг 210 та янги иш ўрни яратиларкан. Албатта, бу қувончли хабар ва эзгу иш бўлади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

“УРАНҚАМЁБМЕТГЕОЛОГИЯ” АЖ изланиш ва интилишда

ЎЗБЕКИСТОН ҚАНДАЙ БОЙ
МАМЛАКАТ ЭКАНИНИ ҲАММАМИЗ
ҲАМ ЯХШИ БИЛМАЙМИЗ.
АВВАЛЛАРИ ЯШИРИШГАН,
КЕЙИНРОҚ МАЙДА-ЧУЙДАЛАРНИ
ТАШВИШ БИЛИБ, ЎЗИМИЗ ҲАМ
ҚИЗИҚМАГАНМИЗ, ҲОЗИР ХАБАРДОР
БЎЛИБ, РЎЗҒОР МИҚЁСИДАН ОШИБ,
ЖАМИЯТ МИҚЁСИДА ЎЙЛАШИМИЗ
ЗАРУРГА ЎХШАЙДИ. ҚУЙИДА
ДЕҲҚОНЧИЛИК ЁКИ БОҒДОРЧИЛИК
ҲАҚИДА ЭМАС, ТАЪБИР ЖОИЗ
БЎЛСА, УРАН ҚАЗИБ ОЛАЁТГАНЛАР
ТЎҒРИСИДА СЎЗ ЮРИТИЛАДИ.

Бугун мамлакатимизда жами 39 та уран кони мавжуд бўлиб, уларнинг захираси тахминан 100 минг тоннага яқин. Бу эса ватанимизнинг иқтисодий ривожланишига узоқ йиллар хизмат қилади. Яна бир муҳим маълумот: мавжуд конларнинг 35 таси қумтошли, 4 таси қорасланецли тоифасига киради, уран қумтошли конлар асосан Навоий ва Самарқанд вилоятлари худудларида жойлашган. Ҳозирги вақтда мазкур турдаги конларни қазиб олиш ишлари тизимли йўлга қўйилган. Уран қорасланецли конларни қазиб олиш технологияси Давлат геология қўмитаси тизимидаги илмий институтларнинг юқори малакали ходимлари томонидан ишлаб чиқилмоқда.

“Уранкамёбметгеология” акциядорлик жамиятининг ташкил топганига 70 йил тўлди. Уран хом ашё базасини тўлдириш, мавжуд sanoat корхоналари ва кон бошқармаларининг уран маъданига бўлган талабини қондириш мақсадида юртимиз бўйлаб геологик-қидирув ишларида жонбозлик кўрсатаётган акциядорлик жамияти ходимларининг меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА АЛОҲИДА
ЭЪТИБОР

Соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шарт-шароитлар яратиш эса мазкур ташкилотнинг муҳим вазифалари сирасига киради. Шу боисдан, ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2015 йил 24 оила, 2018 йилда 46 оила хизмат уйлари билан таъминланган.

Чекка худудлардаги геология қўрғончаларида яшовчи ходимларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида Навоий вилояти Томди туманида соҳада фаолият олиб бораётган ходимлар учун 64 та оилага мўлжалланган жами 32 та хизмат уйлари қуриб, фойдаланишга топширилган.

Ҳозир “Уранкамёбметгеология” акциядорлик жамияти таркибидаги экспедицияларда узоқдан қатнаб ишлайдиган ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва қулай шарт-шароит яратиш учун Нурота геологик-қидирув экспедиция учун «Кўкча» қўрғониди ва Зирабулоқ геологик-қидирув экспедиция учун «Далабоғ» қўрғониди 35 ўринли ётоқхоналар қурилган.

Бундан ташқари, ҳар йили корхона ходимлари

юртимиздаги ҳамда чет элдаги профилатик санаторийларга (сихат-гоҳларга) саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида юборилмоқда. Шунингдек, уларнинг фарзандлари ёзги таътилни мазмунли ўтказиши учун болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳам ташкил қилинган.

РАҒБАТ ВА ИСТИҚБОЛ

— 2020 йил 30 ноябрда илк бор “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог” фахрий унвони таъсис этилди. Унвон ерости бойликлари геологияси ва қидирув соҳасини ривожлантириш, геологик-қидирувга оид ишлаб чиқаришни кенгайтириш, минерал хом ашё базасини ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун геология, геофизика, гидрогеология, топо-геодезия тармогининг юқори малакали геологлари ва муҳандис-техник ходимларига ҳамда илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг тажрибали мутахассисларига берилиши кўзда тутилган, – дейди “Уранкамёбметгеология” акциядорлик жамияти бош геологи Ҳусниддин Оловов.

Иқтисодиётимизнинг локомотивларидан бўлган “Уранкамёбметгеология” АЖнинг бугунги кундаги ташкилий тузилмаси – Букантоғ, Нурота, Зирабулоқ геология-қидирув экспедициялари ва геобурсервис худудидан иборат.


Букантоғ геологик-қидирув экспедицияси мазкур жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланиб, Навоий вилояти Учқудук туманидан жойлашган. Экспедицияда 258 нафар ишчи-ходим меҳнат қилади.

Корхонанинг келгуси режалари катта. Айтايлик, 2030 йилгача даврда ушбу йўналишда хом ашё базаси истиқболларини белгилаш учун уран маъданлашувининг қумтошли тури истиқболли майдонларини ҳамда ноъанавий турларини аниқлаш муҳимдир.

“Уранкамёбметгеология” акциядорлик жамиятининг ташкил топганига 70 йил тўлди. Шу муносабат билан соҳа ходимларига зафарлар тилаб қоламиз.

Ирода КАТТАБЕКОВА.

ҲАЁТ САБОҒИ



Ўйимнинг сераза ва эшикларини беркитиб ўтира олмаймак, чунки моза ҳаво кичири керак. Аммо ўша ҳавонинг довул бўлиб, ошман ва ўзимни янгиб ўттишига ҳам йўл қўймаймак.

Маҳатма Ганди.

Атрофимиздаги инсонларга эътиборли бўлайлик, уларни тинглайлик, кузатайлик, тақдирига бир қариндош, маҳалладош, миллатдош, ватандош сифатида ўзимизни дахлдор, деб билайлик.



ЎЛИМДАН ОФИР ҒАМ

“НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА 31 Ёшли АЁЛ 3 ҚИЗИ ВА ЎЗИНИ ПОЕЗД ТАГИГА ТАШЛАДИ”. “ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БУВАЙДА ТУМАНИДА АЁЛ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЎЗИНИ ПОЕЗД ТАГИГА ТАШЛАДИ”. “КОСОН ТУМАНИДА ЭРИНИНГ ТАЗЙИҚЛАРИГА ЧИДОЛМАГАН АЁЛ ЎЗИНИ ОСИБ, ҲОДИСА ЖОЙИДА ВАФОТ ЭТДИ”. “НАМАНГАНДА АЁЛ ФАРЗАНДИНИ ЎЗИГА БОҒЛАГАН ҲОЛДА КЎПРИҚДАН СУВГА ТАШЛАДИ”.

Кейинги пайтларда ўзини ўлдиришга ҳаракат қилаётган, нафақат ўзи, балки болалари билан поезд тагига, сувга ташлаётган аёллар ҳақида кўп эшитяпмиз, ўқияпмиз. Буларга асосан оилавий жанжаллар, тушунмовчиликлар сабаб сифатида келтирилмоқда. Аммо бу юзаки ҳулосалар. Ким билади аёл бу қарорга келгунча нималарни ўйлади экан? Ким билади унинг қандай орзулари, истаклари бўлган экан? Балки у атрофдан, яқинларидан илинж топмасдан ўлимга юзлангандир. Балки бу унга муаммолар гирдобидан чиқаришнинг бирдан-бир йўли бўлиб кўрингандир. Нима бўлганда ҳам бу каби ҳолатлар руҳий тушкунлик, умидсизлик ва чорасизлик билан боғлиқ. Психология фанлари доктори, доцент Шоира Абдуллаева билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— **Аёлларнинг ҳаётдан шу даражада тўйишига қандай омиллар сабаб бўлапти?**

— Бунга жуда кўплаб омилларни сабаб қилиб келтириш мумкин. Аммо уларнинг ичидан энг асосийларини айтадиган бўлсак, биринчи навбатда бу илмсизлик, маърифатсизлик. Ҳаётни чуқур англамаган, китоб мутулаа қилмаган инсон ҳеч бир масалада теран фикрлай олмайди. Муаммолардан чиқиш йўлини билмайди. Натижада ўз жонига суиқасд қилади.

Иккинчи навбатда, уларда руҳий мувозанат бузилган бўлади. Яъни, ўз жонига қасд қилишга қарор қилган инсонларни иродавий ва эмоционал ҳолатларида беқарорлик бўлади. Инсон иродасининг асосий сифатлари сабр-матонат, қатъият, ўзига ишонч каби-ларни ташкил қилади. Ўз жонига қасд қилишга ҳаракат қилаётган

инсонларда эса айнан шундай сифатлар шаклланмаган ёки жуда суст бўлади.

— **Муаммолар ечимини фақат ўзини ўлдиришда кўраётган хотин-қизларнинг ҳаётга умиди, яшашга иштиёқини қучайтириш масалалари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Бу психологияда мотивация, дейилади. Яъни бундай инсонларнинг ҳаётга бўлган қизиқиши, ўзига бўлган ишончи ва ўз олдида аниқ мақсадлар қўйишда уларни айнан шу каби жиҳатларга ундаш, ўргатиш, кўрсатиш, тушунтириш каби таъсирчан методлар қўлланилади.

Аввало, уларнинг муаммолари нимадалигини ўрганиш керак. Оилавий мажоралар, камситишлар, етишмовчилик, атрофдагиларнинг салбий муносабатлари... бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Хўш, бу ҳолатда қандай йўл тутиш керак? Биринчи галда аёлнинг ўзига бўлган ишончини ошириш муҳим. Бундай аёл ҳаётда тўғри қарор қабул қила олади. Ўзига ишонган аёлни ҳеч ким камситолмайди, унга босим ўтказолмайди.

Илмга, касб-корга йўналтириш ҳам яхши самара беради. Негаки, илмли одамда ҳамиша муаммолар-

га ечим бўлади. Ҳунарли одам эса бировга қарам бўлмайди. Касби орқасидан пул топади, рўзгор тебратлади.

Бу борада қизларимизни руҳан кучли қилиб тарбиялашга эътибор қаратишимиз керак. Улар ҳаёт синовлари олдида довдираб қолмасликлари учун зеҳни қилиб ўстиришимиз зарур. Уларда мустақил фикрлаш, ҳаётга теран қарашни шакллантириш муҳим.

— **Кўпинча бундай воқеа-ҳодисаларга бефарқ бўламиз. Орамизда, ёнимизда муҳтож аёллар, қийинчилик ва муаммоларга дуч келганларни кўрсак-да, ёрдамлашиш ўрнига уларнинг ўзларини айбдор қиламиз. Аёллар ўлимигача борадиган ҳолатларга жамият қай даражада дахлдор бўлмоғи керак?**

— Тўғри айтдингиз, бундай ҳолатларнинг аксарияти бир-биримизга бефарқлигимиз, эътиборсизлигимиз, лоқайдлигимиз орқали содир бўлади. Чунки ўз жонига қасд қилишга ҳаракат қилаётган ҳолатларда унинг атрибутти ва симтомлари (белгилари) бўлади. Яъни, ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган инсон атрофдагиларига шу ҳолатни содир қилишини билдириши мумкин, лекин уни

эшига олишимиз, тинглай билишимиз керак. Яъни унда кечаётган кечинмаларни англашимиз зарур. Бунинг учун инсонлардан катта психологик билим талаб қилинмайди. Шунчаки, атрофимиздаги инсонларга эътиборли бўлайлик, уларни тинглайлик, кузатайлик, тақдирига бир қариндош, маҳалладош, миллатдош, ватандош сифатида ўзимизни дахлдор, деб билайлик.

Шунда кўплаб муаммоларнинг калити топилади. Жумладан, ижтимоий-маънавий муҳит соғломлашди ва юқоридаги каби иллатлар содир бўлмайди.

“Ўзбекистон овози” муҳбири
Гулрух ОДАШБОЕВА суҳбатлашди.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

„Тўрткўл савдо комплекси“ МЧЖ ЭЛ ХИЗМАТИДА

Тўрткўл тумани нафақат мамлакатимиз, балки қўшни Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда ҳам маълум машҳур, десак янглишмаган бўламиз. Не-не азиз авлиёларга, алломаларга бешик бўлган бу туманда Отажон Худойшукуровдек донғи кетган санъаткорлар етишиб чиққан бўлиб, бугунги кунда қадим илдиэларидан узилмаган ҳолда туман тараққиёт сари юз тутиб бормоқда. Бу ерга борган киши ҳозирги ҳаётбахш ислохотларнинг нафасини ҳар бир жойда сезади, десак асло янглишмаган бўламиз.



“Тўрткўл савдо комплекси” МЧЖ бугунги кунда туман аҳолисига намуна хизмат кўрсатиб келаётган муассасалардан бири ҳисобланади. Бу ерда сотувчи ва харидорларга янада қулайлик яратиш мақсадида катта кўламдаги қурилиш-бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 9480 кв.м ер майдонида барча талабларга жавоб берадиган автотураргоҳ барпо қилинди.

— Юртдошларимизда шахсий автомобилар борган сари кўпайиб бораётган ҳозирги пайтда автотураргоҳни барпо қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга эди, — дейди биз билан суҳбатда “Тўрткўл савдо комплекси” МЧЖ

раҳбари Миралибек Сержанов. — Шунинг эътиборига олган ҳолда мазкур автотураргоҳни замон талаблари даражасида барпо қилишга ҳаракат қилдик. Банкдан кредит олиб, аниқ лойиҳавий ечим асосида текислаш, қумшағал ётқизиш ҳамда бетонлаш ишларини олиб бордик ва тадбиркорлар ҳамда аҳоли учун фойдаланишга топширдик.

Миралибек ака билан мажмуани айланар эканмиз, яна бир бунёдкорликнинг устидан чиқдик. Гап шунданки, ҳозирда Президентимиз томонидан ҳунармандчиликка берилган ётган юксак эътибордан келиб чиққан ҳолда савдо мажмуаси ҳудудда миллий услубдаги ҳунармандчилик бозорчаси қуриб битказилибди. 247 миллион сўмлик 11 та турғун савдо шаҳобчаси, 148 миллион сўмлик 138 ўринли ёпқ типдаги савдо павильони, 85 миллион сўмлик брусчатка ётқизиш ишлари амалга оширилиб, барча шароитларга эга миллий кўринишдаги муъжаз бозорча ҳунармандлар ихтиёрига топширилган экан. Ҳозир бу ерда ҳунармандлар ўзлари ясаган маҳсулотларни сотишига барча шароитлар яратилган.

— Савдо мажмуамизда шунингдек, 16 та турғун савдо шаҳобчаси ҳам қурилиб, тадбиркорлар ихтиёрига берилди, — дейди суҳбатдошимиз. — Айни пайтда бундай шаҳобчаларни қуриш ишларини давом эттираяпмиз. Тадбиркорлар билан ўзаро маслаҳатлашган ҳолда ҳомийлик ҳисобидан бостирма қурилди. Бу билан эса сотувчи ва харидорларга ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам савдо қилишлари учун имкон яратилди. Шунингдек, ҳозирги давр талабидан келиб чиқиб, қолаверса, юзага келиши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида савдо мажмуаси тўлиқ кузатув камералари билан жиҳозланди.

Ушбу ҳудудда жами 1011 та турғун савдо шаҳобчаси субъектлари мавжуд бўлиб, тадбиркорлар билан 778 та инфратузилма шартномаси расмийлаштирилган. Тадбиркорлар томонидан харидорларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший ва ҳўжалик моллари, умумий овқатланиш объектлари хизмат кўрсатмоқда. Савдо-сотик ишлари маҳсу-

» **“ТўРТКЎЛ САВДО КОМПЛЕКСИ” МЧЖ БУГУНГИ КУНДА ТУМАН АҲОЛИСИГА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КўРСАТИБ КЕЛАЁТГАН МУАССАСАЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУ ЕРДА СОТУВЧИ ВА ХАРИДОРЛАРГА ЯНАДА ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИШ МАҚСАДИДА КАТТА КўЛАМДАГИ ҚУРИЛИШ-Бунёдкорлик ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. Жумладан, 9480 кв.м ер майдонида барча талабларга жавоб берадиган автотураргоҳ барпо қилинди.**

лот турларига қараб расталарга ажратилган бўлиб, бу билан харидорларга янада қулайлик яратилган.

— Харидор ва тадбиркорларга намуна хизмат кўрсатиш фаолиятимиздаги устувор вазифа саналади, — дейди Миралибек Сержанов. — Шунинг эътиборига олган ҳолда келгусида 1 миллиард сўм кредит олиб, янада қулай шарт-шароитлар яратишни режалаштирганмиз. Айни пайтда режалаштирилган ишларни босқичма-босқич бажариб бораёпмиз.

Суҳбатимиз давомида билдикки, Миралибек Сержанов ушбу мажмуанинг истиқболли бўйича ҳам аниқ режага эга. Мутахассислиги ҳисобчи-иктисодчи ва ҳуқуқшунос бўлган бу инсон 2012 йилдан буён ушбу мажмуага раҳбарлик қилиб келмоқда. Тумандаги савдо базаларида ҳисобчи бўлиб ишлаган ва кейинчалик ички ишлар тизимида фаолият олиб борган Миралибек ака бутун куч-ғайратини ушбу савдо мажмуа ривожини учун бағишлаган.

— Менинг тинч-хотиржам ишлашимда

оиламдаги муҳитнинг ҳам ўрни жуда катта, — дейди суҳбатдошимиз. — Ота-онам Тўрткўл туманида туғилиб, шу ерда яшаб ўтган фидойи инсонлар эди. Отам Ҳосилбек Сержанов мустақилликнинг илк йилларида Олий Мажлис депутаты бўлиб фаолият юритган, эл-юрт ўртасида обрў-эътиборга эга инсон бўлган. Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси эътиборга олиниб, Қишлоқ ҳўжалиги ходими унвони билан тақдирланган эди. Маҳалла оқсоқоли бўлиб фаолият юритганда ҳам кўп хайрли ишларга бош-қош бўлган сабабли ҳозиргача одамлар элнинг оқсоқоли сифатида яхши хотиралар билан эсга олишади. Онам Айхон ая бутун умрини оиласига, фарзандларига бағишланган фидойи, жонқуяр инсон эди. Отам иккаласи катта бир оилани аҳилиқда бошқаришиб, 10 нафар фарзандини ўқимини, эл-юрт қорига ярайдиган ҳалол инсонлар қилиб тарбиялаганлар. Ҳар биримизнинг ўзига хос характеримизни, дунёқарашимизни тўғри тушунган, англаган ҳолда таълим-тарбия бериб, ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга имкон яратиб берганлар. Бугун ўзим ҳам оиламдан тиниб-тинчманман. Турмуш ўртоғим Гулжамила Қурбонова билан 5 нафар ўғлимизни эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбияладик. Ҳозир улардан икки нафар менинг изимдан бориб, ички ишлар ходими бўлган. Бири тадбиркор, кичигимиз талаба. Худога шукр, улар бугун ўзларининг иш фаолияти, ўқини, одоб-ахлоқи билан ишончимизни оқлапти.

Бугун Қорақалпоғистон Республикасининг барча туманларида бўлганидек, Тўрткўл туманида ҳам катта ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари авжида. Туман ҳокими Рустамбек Шомуродов бошчилигида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларда муҳтарам Президентимизнинг барча соҳаларни жадал ривожлантиришга қаратилган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари муҳим аҳамият касб этиб, олдимизга қўйилган долзарб вазифаларни ҳаётга самарали татбиқ қилишда дастуруламал бўлмоқда. Бозорларимизга ташриф буюрган оддий фуқаролардан тортиб бошқа жойлардан келадиган меҳмонларимиз учун шарт-шароитларни яратиш олдимизга қўйган юксак мақсадларимиз ҳисобланади. Худо ҳоқласа, бу мақсадларни амалга ошириб, эл-юрт олдида юзимиз бундан-да ёрў бўлади. Юртимиз фаровонлиги йўлида эл-юрт хизматида бел боғлаганмиз. Мустақиллигимизнинг 30 йиллик байрами муборак бўлсин.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

«QISHLOQ QURILISH INVEST» M.CH.J I.K.

Хоразм Вилояти филиали жамоаси

юртимизнинг меҳнатсевар ва фидойи халқини давлатимиз Мустақиллигининг 30 йиллик баёрами билан қутлайди!

Сиз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, оилавий бахт тилайди.



«XIVA BUYUK QURILISH INVEST»

масъулияти чекланган жамияти жамоаси



юрт оводливи, халқ фаровонливи йўлида астойдил жон куйдириб меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни, соҳа ходимларини Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллик байрами билан муваққаб эътибор!

ЮРТИМИЗ ТИНЧ, МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АВАДИЙ БЎЛСИН!



QUTLOVLAR

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

18-avgust, chorshanba, 2021-yil.
№31 (32673)



«203- TAJRIBA YO'L MASHINA STANSIYASI»

ЖАМОАСИ

юртдошларимизни ҳамда барча темир йўл соҳасида фаолият олиб бораётган ходимларни мамлакатимиз Мустақиллигининг 30 йиллиги билан самимий табриклайди! Савобли ва бунёдкорлик йўлида амалва ошираётган хайрли ишлариниизда омад ва зафарлар тилаб қоламиз!



Хоразм viloyati

«YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYASI»

ЖАМОАСИ

серқуёш дуёримиз ақлини энг улуг, энг азуз байрам билан табриклайди.
Чексиз орзу-умидларга, кубончу шодликларга тўла бу кутлуг айём ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик, қайзу барака олиб келаверсин. Байраминиз муборак бўлсин, азуз юртдошлар!



O'zbekiston ovozi

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

- Ulug'bek INOYATOV
- Ulug'bek VAFOYEV
- Maqsuda VORISOVA
- Qalandar ABDURAHMONOV
- Guliston ANNAQILICHEVA
- Muslihidin MUHIDDINOV
- Hayotxon ORTIQBOYEVA
- Shuhrat ISLOMOV
- Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Bunyodkor ko'chasi, 50 «A»-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi-dasturchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 841. 20283 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni —
Topshirilgan vaqti — 22:15.



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda